

O'zbekiston ovozi

Шу азиз Ватан — барчамизники

МАҲСУЛОТ
СИФАТИНИ
ЎЙЛАБ



САМАРАЛИ МУЛОҚОТ



АҚШ Президенти Билл Клинтон Оқ уйда Фаластин раҳбари Ёсир Арафот билан учрашди. Ё.Арафот мазкур мулоқот жуда самарали ўтгани ва муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлар экан, аини пайтда тинчлик ўрнатиш жараёни барбод қилувчи хавфли вазият вужудга келганини айтиди.

Б.Клинтон яқшанба куни Исроил бош вазири Эхуд Барак билан учрашади.

ТАКЛИФ

Европа Кенгаши Арманистон билан Озарбайжонни ушбу ташкилотга аъзо бўлишга таклиф этди. Икки қўшни мамлакат қабул қилинадиган кун Европа Кенгаши парламент ассамблеясининг январь ойида бўладиган сессиясида маълум бўлади.

САЙЛОВ МАШМАШАЛАРИ

АҚШда президент сайлови чоғида кулгили ҳолатлар ҳам юз берди. Масалан, Миничан штатидаги сайлов участкаси эшиги олдида бир айиқ келиб туриб олди. Сайлов комиссияси аъзолари эса қўлидаги биолетенлари билан ичкарида қолиб кетди. Натижада сайлов натижалари ҳақидаги маълумотларни узоқ вақт эълон қилишнинг иложи бўлмади. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, эҳтимол, айиқ полвон ҳам ўзининг «конституциявий ҳуқуқидан фойдаланмоқчи» бўлган.

МОТАМ КУНИ БЎЛДИ

Кот-д'Иуарда 22 октябрь куни бўлиб ўтган президент сайлови чоғида тартибсизликлар юз берган эди. Қонли тўқнашулар 171 кишининг ўлимига сабаб бўлган. Ушбу фожиа муносабати билан 9 ноябрда ҳукумат қарорига биноан Миллий мотам куни бўлди. Пошта Аббонан шаҳрида бўлиб ўтган митингда Президент Лоран Гбабо халқни мурса ва тотувликка чақирди.

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

Индонезиянинг Ачех вилояти марказида ўн минглаб одам норозилик намойиши ўтказмоқда. Улар вилоятнинг Индонезия таркибидан чиқарилишини талаб қилаётир. Барда-Ачех шаҳри атрофида юз минглаб одам тўплаган. Полиция шаҳарни ўраб олгани сабабли улар ичкари кира олмаяпти.

РАД ЭТИШДИ

«Толибон» ҳаракати АҚШнинг иқтисодий ёрдам эвазига халқаро террорчи Усама ибн Лодинни судга топшириш тўғрисидаги таклифини рад этди. Толиблар террорчининг айби исботланган тақдирда ҳам унинг ишини фақат шарият суди кўриб чиқиши мумкинлигини айтмоқда. Бу судда ислом дунёсининг обрўли диний арбоблари билан бир қаторда, америкалик ҳуқуқшунослар ҳам иштирок этиши мумкин, демоқда толиблар.

КЎРГАЗМА ИШ БОШЛАДИ

Хитой поштахтида ногиронлар учун ишлаб чиқариш асбоб-ускуналар ва технологияларнинг халқаро кўргазмаси очилди. Унда АҚШ, Германия, Швеция, Франция, Япония ҳамда бошқа давлатлардан юздан ортиқ корхона ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Бу кўргазманинг Пекинда ўтказилиши бежиз эмас. Хитой ногиронлар сони бўйича дунёда энг юқори ўринда туради. Ҳозир мамлакатда олтинчи миллион ногирон бор.



XXI аср — ахборот, фикр, тафаккур асри!
«Ўзбекистон овози» — ахборот, фикр, тафаккур тарафдори!
«Ўзбекистон овози»га обуна бўлинг!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:

«Ўзбекистон овози»	— 220
«Голос Ўзбекистана»	— 121
«Осиё бозори»	— 174

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIIY GAZETASI □ 2000 YIL 11 NOYABR SHANBA № 132 (26.682)

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯ

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» номли рисоланинг нашрдан чиқиши Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан катта қизиқиш билан кўриб олинди. Зеро, мафкуралар иш партия фаолиятининг муҳим йўналиши, миллий ғоя эса миллиятни, бутун халқни бирлаштиришга даъват этилган жиддий омил, Юртбошимиз — Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, ўзига хос байроқдир. Шу боис, Ўзбекистон ХДП мазкур рисола билан унда баён этилган қоидаларни тарғиб қилишга хисса қўишини ўзининг бурчи ҳисоблайди.

Шулاردан келиб чиқиб, партия Марказий Кенгаши Котибияти партия ташкилотларининг, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасидаги, вазифаларини белгилаб берувчи махсус қарорни қабул қилди. Унга мувофиқ, бошланғич партия ташкилотларида фаолият кўрсатаётган сиёсий клублар, ёшлар клублари, тўғарак ва семинарларда, меҳнат жамоалари ва аҳоли яшаш жойларида миллий истиқлол ғоясининг асо-

сий мазмуни ва моҳияти, унинг жамият янгилини, туб ислохотларни изчил олиб боришдаги аҳамияти ҳақида маърузалар, суҳбатлар, мулоқотлар уюштирилади, машғулот ва анжуманлар ўтказилади. Марказий Кенгаш Котибияти, шунинг билан бирга, партиянинг барча ташкилотлари ҳамда аъзоларига, давлат ҳокимияти идоралари ва жамоат бирлашмалари томонидан, миллий истиқлол ғоясига бағишлаб, уюштирилмаган тад-

бирларни ўтказишда яқиндан қўллаштириш, уларнинг юксак савияда ўтишига муносиб хисса қўишини тавсия этди. Котибият, шунингдек, ўтказиладиган миллий истиқлол ғоясига оид, жамоавий машғулотларнинг намунавий режаси ва маъруза, суҳбат, мулоқотларнинг намунавий мавзулари рўйхатини тасдиқлади.

Қарорда партия матбуот нашрларининг бу муҳим ишдан четда қолмасликлари, миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилиш ва ҳаётга татбиқ этишга қаратилган саъй-ҳаракатларни ўз саҳифаларида кенг ва мунтазам ёритишлари лозимлиги ҳам уқтирилади.

■ **Ўзбекистон ХДП МК**
матбуот хизмати


«ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНИ»

Нишон туманидаги Нуристон шаҳарчасида Қори Ниёзий номли 20-ўрта мактаб бор. 2450 ўқувчи сабоқ оладиган мазкур илм масканида ўқувчилар бошланғич синфдан бошлаб табақчалаштирилиб ўқитилмоқда. Энг асосийси, мактабда инглиз тили махсус фан сифатида ўрга-

тиляпти. —Мактабдан ташқари машғулотларга катта эътибор қаратаймиз, — дейди мактаб директори Гулсара Бозорова. —Тавлим билан тарбияни муштарак тарзда олиб бориш учун мактаб ва маҳаллалар ҳамкорлигини йўлга қўйганмиз. Ўқувчилар ўртасида ҳар хил

кўрик-танловлар ташкил этиб тураемиз. Дастлаб «Энг кўп китоб ўқиган синф» танловини ўтказган бўлсак, кунни кеча «Президент асарлари билимдони» танловини ўтказдик. Унда 11-синф ўқувчиси Каромат Қўзибоева голиб деб топилди.

■ **Илҳом КАРОМОВ**



Ўзбек дехқонининг қалб «қони»дан қизарган аял сизга мунтазир. Дастурхонингизга кўрк бўлсин. Рўзгорингизга барака тўлсин.
■ **Тўғрунбек МАҲЖАМОВ** олган сурат

ҒУҚАРО МУҲОҒАЗАСИ — ДОИМИЙ ЗАРУРАТ

Матбуотда ва ойнаи жаҳонда ҳамда радиоэшиттиришларда дунёнинг бир қатор мамлакатларидаги қўрқочлик, шу билан бирга сув тошқинлари, ўрмон ёнғинлари, зилзилаларнинг оқибатлари ҳақида кўп ёзилмоқда ва айтимокда.

Ачинарлиси шундаки, бундай пайтда ғуқаролар нима қилиши кераклиги ҳақида ҳали чуқур тушунчага эга эмаслар.

Аҳолига ўзлари яшаб турган ҳудуд ва меҳнат қилаётган иш жойига қайси турдаги факулдада вазият хавфли бўлиши мумкинлиги тўғрисида ўз вақтида маълумот берилса ва бундай вазиятларда муҳоғазаланиш нуқтани назардан бажарилиши зарур бўлган тадбирлар, хатти-ҳаракатлар тушунириб борилиши, ғуқаролар ҳаёти хавфсизлиги муаммолари қисман бўлса ҳам ўз ечимини топади.

Яна бир жумбоқли ва ҳал қилиниши зарур бўлган вазифалардан бири — ғуқаро муҳоғазаси соҳасидаги ўз ечимини кутаётган илмий-тадқиқот муаммоларини ҳал қилишдир. Чунки, республика Фанлар академияси, тармоқлар қарамоғидаги бир қатор илмий-тадқиқот институтлари асосан ўз тармоқ йўналишларида бажарилиши керак бўлган ишлар билан шуғулланган ҳолда табиий, техноген тусдаги ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш, баҳолаш ва башоратлаш борасида қисман иш олиб бормоқдалар. Лекин, содир бўлиши мумкин бўлган факулдада вазиятларни башо-

ратлаш, содир бўлишидан оғоҳлантириш, оқибатларини бартараф этиш учун кераклик кўч ва воситаларнинг миқдорини аниқлаш ҳамда ғуқароларни муҳоғазаси қилиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби муаммоларни ҳал қилиш ва ғуқаро муҳоғазасига оид бошқа илмий изланишлар билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш ниятда долзарб масала. Институтини ташкил этишга ҳозирги вақтда Фавкулдада вазиятлар вазирлиги қарамоғида бўлган Ўзбекистон илмий-тектириш лабораторияси асос бўлиши мумкин.

Шунингдек, фавкулдада вазият ҳолатларида одамларни, жониворларни қутқариш, жабрланганларга ёрдам бериш каби тадбирларни бажариш кўнникмаларини шакллантириш ишларини янада такомиллаштириш керак.

Аҳоли ва халқ ҳўжалиги объектлари ишчи-хизматчилари ва бошқа тоифадаги ғуқароларнинг эса ўзлари яшаб турган маҳалла қўмитаси тасарруфида ташкил этилган қайта тайёрлаш, ўқитиш таълим бўлимида, объектларда эса махсус жиҳозланган ўқитиш хоналарида тайёрларликдан ўтишлари мажбурийдир.

Бундай тадбирларни ўтказиш тартиблари республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1997-1998 йилларда қабул қилинган бир қатор қарорларга кўра ва 1999 йил 20 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга киритилган «Аҳоли ва техноген хусусиятли фавкулдада вазиятлардан муҳоғазалаш тўғрисида» ҳамда 2000 йил 26 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга киритилган «Ғуқаро муҳоғазаси тўғрисида»-ги Қонун асосида ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар билан белгилаб берилган.

■ **М. ЮНУСОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Фавкулдада вазиятлар вазирлиги ғуқаролар муҳоғазаси институти кафедра мудири

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

ни келтириш мумкин. Аммо ғуқаро муҳоғазаси соҳасида ёш авлодга таълим берувчи яхши жиҳозланган ўқув-материал базасига эга бўлган лицей, коллеж, ҳарбий-техник мактаблар ишга туширилса кадрлар тайёрлаш масаласида анча ютуқларга эришган бўлардик.

Ғуқаро муҳоғазаси ҳақида ўрта ва олий ўқув юртиларида ҳам кўнникмалар бериб бориш лозим. Ўқитиш жараёни эса ўзимизнинг ва айрим чет эл тадрибаларидан келиб чиққан ҳолда **БОҒЧА** — ўрта таълим муассасаси — олий ўқув юрти тизимида да ўзаро узвий боғланган ҳолда олиб боришга эришиш зарур.

Шунингдек, фавкулдада вазият ҳолатларида одамларни, жониворларни қутқариш, жабрланганларга ёрдам бериш каби тадбирларни бажариш кўнникмаларини шакллантириш ишларини янада такомиллаштириш керак.

Аҳоли ва халқ ҳўжалиги объектлари ишчи-хизматчилари ва бошқа тоифадаги ғуқароларнинг эса ўзлари яшаб турган маҳалла қўмитаси тасарруфида ташкил этилган қайта тайёрлаш, ўқитиш таълим бўлимида, объектларда эса махсус жиҳозланган ўқитиш хоналарида тайёрларликдан ўтишлари мажбурийдир.

■ **М. ЮНУСОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Фавкулдада вазиятлар вазирлиги ғуқаролар муҳоғазаси институти кафедра мудири

ТЕЛЕГРАММА

«Ўзбекистон овози» тахририятига.

Республика Олий судида бир гуруҳ ватанфурушлар устидан олиб борилаётган суд жараёнини кузатиб бораямиз.

Хошларинг асл башараси очиб ташланди. Тинчликсевар Ўзбекистонимизга кўз олайтирган, хиёнаткорларни туманимизнинг барча меҳнатқашлари ланнатлайди.

«Манавият ва маърифат» маркази Хазорасп туман бўлими, «Қамолат» жамғармаси туман бўлими, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими

«Ватан душманлари билан қўйишларки, Юртбошимиз атрофида жинсий, ўз истиқлоли йўлида тилмай меҳнат қилаётган халқимиз ҳеч қачон йўлдан адашмайди. Ўзбекистонимизни ҳеч қандай ёвузлар қўлга топшириб қўймаймиз.

Кўнғирон тумани ҳокимлиги, туман солиқни сақлаш бўлими, туман халқ таълими бўлими

«Хузур-ҳаловатимизга раҳна солганларни аслида отахон ва онахонларимизнинг қарғишлари алақачон урди. Ватанинг бир сиким муқаддас туғроғига уларнинг зорлиги катта эжазо. Шундай бўлса-да, қонун йўли билан жиноятларига

ЁВУЗЛИКНИ ХАЛҚ КЕЧИРМАС

Мамлакатимиз Олий судида 12 нафар айбланувчи устидан оғоҳ қилиб, газеталар саҳифаларида ўқиб бораёти. Ғуқаролар, жабрланувчиларнинг берган кўрсатмалари, изтироб ва оғоҳи гаплари ҳар биримизнинг юрагинизга оғрик солади.

Ватанимиз, миллатимиз, истиқлолимиз, келажакимизга нисбатан кўпуровчилик, қонхўрлик қилиб, хишлиларнинг оромини бузган, тинчлигимизга раҳна солган, қисқаси, Ўзбекистонимизда уруш оловини ёқиб, ҳокимиятни эғлаламоқчи бўлган хоинлардан ҳаммамиз жабр-ситам кўрдик, десак аниқшаймиз. Террорчиларнинг хатти-ҳаракати оғоҳлик ва тинчлик, бунёдкорлик тарафига бўлган ҳар бир Ўзбекистонликка қарши қаратилган эди.

Суд жараёнини кузатиб бораётган ватандошларимиздан кўнғироклар бўлаёпти. хатлар, телеграммалар келаяпти. Куйида шуларга эътибор қаратдик:

яраша ҳукм белгиланиши шарт.

Носиржон РАСУЛОВ,
ЎзХДП Чуст туман кенгашининг биринчи котиби

«Биз маорифчилар ёшларимизни тўғри йўлдан чаплатган ярамаслардан нафратланамиз. Ватанга хиёнат қилганларга, эл-юртимиз ҳаловатига путур етказмоқчи бўлганларга орамизда ўрин йўқ.

Қароматхон ИСМАТУЛЛАЕВА,
Чортоқ туман халқ таълими бўлими мудири

КЎНҒИРОҚ

Шунингдек, ушбу ҳолат юзасидан тахририятига кўллаб кўнғироклар бўлаёпти. Республикаимизнинг барча вилоятларидан ўз муносабатини билдириб, терроризмни қаттиқ қоралаётган юртдошларимизнинг фикрларини хавола қиламиз.

Наима РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳридаги 476-боғча мудираси:

—Болажонларнинг тоза, бегубор нигоҳига боқиб, шуларнинг бахтига, келажакига ҳақиқ тинчлик бўлсин, дейман. Лекин, гўдакларнинг ўлимидан қўрқмайдиган, уларнинг қон-қақшаб йнглаши, қурбон бўлишдан қўчимайдиган қотиллар, тинчлик душманлари борлигидан ич-ичимдан титрайман. Юртимизга хиёнат қилган маразларда юрак ҳам, кўнғил ҳам йўқ, деб ўйлай-

ман. Уларни бегуноҳ ўлганларнинг фарзандлари, оиласи, чирқираб қолган маъсум гўдакларнинг қарғиши уради. Бундай қотилларнинг уруғига ўт тушин.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ,
ЎзМУ журналистика факултети 2-курс талабаси:

—Хоинлар устидан бўлаётган суд жараёни биз талабаларнинг ҳам диққатимизда. Улар ўз она ерида ваҳшийлик қилдилар. Улар келажакимиз душманларидир.

Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашмайди, деган нақл қанчалик тўғри эканлиги мен ақиндан амин бўлдим. Бу асло кутилмаган учрашув эди.

Хизматкор Сарфароз охишта эпинки қоқиб, хонамга бош суқди: — Уэр, Сизни Розий жаноблари йўқлаштилар.

— Ул зотни ҳамма танийди — Ҳасан Розий. Айнан Сизни сўраб келибдилар. Пастда кутяптилар.

Қароргоҳнинг кенгинга кутиб элга кириб келганимда, 60 ёшлар чамасидаги алқомат, бу ердаги кишилардан бироз фарқли — оқ сариқдан келган киши шахдам қадамлар билан истиқболимга чиқди.

— Во ажаб, ё менинг хотирман сийқалашиб улгурманган ёки сиз ўзгармагансиз. Дадахон соҳиб! Мени таниёйсизми?

Кутилмаган меҳмоннинг охириги бу саволи қизиқ бўлди-ку! Нима деб жавоб беришга иккилашиб қолдим. Ҳарчанд уринмайин, бу савобатли жанобни қаерда кўрганми эслолмадим. Чо-дирхалда курсин, Сиз билан учрашгандаймиз демоқчи бўлиб турганим, у кишининг ўзи мушқулми осон қилди:

— Уша одам билан гав-

жум майдонда тасодифан танишиб, гурунг қилганимизга ҳам ўттиз беш йил бўлай, деб қотти. Тошкент курагани ёнида, қарнай-сурнай, чидамаларнинг бакбакабанги... кўшни икки мамлакат раҳбарларини кутиб олиш тантаналари... Сизлар икки киши эдингиз, ёнингизда ҳамкасбим — ўзбек болалари газетасининг фотомухбири, ўзимга ўхшаш йигитча ҳам бор эди.

— Эсладим, уша йигит хозир

ака билан эса ҳар доим ҳамкорлик қилардик, кўп жойларга бирга борардик... Уша кунлар ҳам бу Халқаро учрашув катнашчиларини кутиб олиш тантаналари ҳақида болалар-боп хабар тайёрлаш учун Тошкент марказига келгандик. Елкасига қўшалоқ фотоаппарат остан ўрта яшар киши ҳамроҳининг касб «қуроли»га ишора қилиб, инглизчада ни-мадир сўради. Равил ака менга қаради. Кўринишдан чет



ДАҲЗАЛАР

КЎПРИК

МУҲРЛАНГАН

ували-жували таниқли суратчи Равил Альбеков. Лекин кўринишидан Сизга ўхшаш ёш! Яқинда ҳалол хизматлари учун Ўзбекистондаги фахрли мукофотлардан бирита сазовор бўлди, — дедим-да, кучоқ очиб қайтадан сурашдим.

Гап Ҳиндистон — Покистон раҳбарларининг 1966 йилги Тошкент учрашуви ҳақида кетяпти. Уша йиллар камина хозирги «Тонг юдузи»нинг фаол мухбирларидан бири эди. Албатта, болаларга аталган ҳар бир мақола жонли, ўқишли чиқиши учун суратлари билан чоп этилар, тиниб-тинимас фотомухбир Равил

элик ҳамкасбимиз саволига ўз тилида жавоб қайтарганим, у худди яқин қадрдонини уратиб қолгандай қувониб кетди...

Узоқ йиллар нубори соя ташлаб, анча унут бўлиб кетган бу хотиралар Ҳасан Розий жанобларининг бугунги таширифи билан яна ёрқинлаша бошлади.

Бир пиёла қаҳва устида узоқ вақт гурунг қилдик.

— Ушанда эсдалик-дастхатларининг ёздириб олганим, кеча излаб топдим. Яна, уйимда қуришга арзийдиган анча тарихий суратлар бор. Энди Сизни олиб кетаман, нонуштани билан қиламиз. Ҳовлимиз

ҳам узоқ эмас. Шундоқ Шоҳкўча мулолашида.

Ҳасан Розий жанобларининг машинасига ўтириб, Исломободнинг марказий кўчаларидан бири «Эмбосси роуд» бўйлаб бир қақирим юриб-юрмай чапга бурилдик-у, икки ёнбоши барқ уриб ўсиб турган турфа гуллар чаманига бурқонок дарвоза қаршисига келиб тўхтадик.

Ҳовли этагидаги кўм-кўк чимзор майдончада юрган қизалоқ биз томон чоқди, асалоуму алайкум дея кутиб олди.

— Бу набирам, — дея таништирди Розий соҳиб ва чап

томондаги уй эшигини очиб, ичкарига бошламочик бўлди-ю, останада бир лаҳза тўхтаб, дераза томон ишора қилди. — Бу киравериш даҳизимиз сал иссиқроқ, сабабини айтмайми, ху анави ерда мусича хонимин кўйганлар, безовта бўлма-син деб болалари учирма бўлгунча кондиционердан фойдаланмасликка аҳд қилган-миз.

Каттагина қисми ташқарига чиқиб турган совутич апарати устида чўп-хасдан иборат куш уксига, бир-бирининг шинжиги тикилиб мудраётган жажжи полапонларга кўзим тушди ва беихтиёр устоз Чин-

гиз Ахмаровни эсладим: бир пайтлар у кишининг устахонаси ровоғига қалдирғоқ ин курган бўлиб, бу ерга таширф бурюгач, ўзини эмин-эркин тутишга одатланган биз шогирдларни устоз оғоҳлантирардилар: фақат секинроқ тапирингиз, қушлар безовта бўлади!

Даҳлиз кенгинга зални эслатар, тўрт тараф — девор юзларига бежирим рамкаларга солинган сон-саноксиз фотосуратлар осилганди. Улар турли мамлакатлар ҳақида доир бўлиб, алоҳида «бўлимча»лардан иборат эди... Франция, Япония, Америка, Австралия, Хитой, Ҳиндистон, Германия, Вьетнам...

Ростмана музейни эслатуви ҳоналарни айланиб, дунёни сайр қилиб чиққандай бўласиз. Такроланмас тарихий лаҳзалар муҳрланган сон-саноксиз суратлар сизга ярим аср даврини ўз ичига муҳрлаб олган янгиликлар, ўзгаришлар, бир-биридан олис давлатлар ҳаёти, сиёсий аҳволи ҳақида жонли ҳикоя қилаётгандай.

Ҳа, 1950 йили Покистондаги «Доон» газетаси ўз саҳифасида Ҳасан Розийнинг илк ижодидан намуна эълон қилганда у эндигина ўн бешга қадам кўйган ўспирин эди. Шундан бери мамлакатнинг кўлаб илриқ матбуоти саҳифаларидан унинг номи тушмай келаяпти. Покистон фотомухбирларининг устози сифатида ҳурмат билан тилга олинган. Ўз кас-

бининг моҳир устаси сифатида тан олинди, қатор халқаро мукофотлар билан тақдирланган, кўлида ашарати билан дунёнинг юзга яқин мамлакатини кезиб чиққан жаҳоншата ижодкордир. Ҳасан Розий соҳиб Бутунпокистон фотомухбирлар ассоциациясининг президенти.

«Уй музейининг ўртадаги иккинчи хонаси янада шинам, ёп-ёруғ. У ерга асосан Марказий Осиё мамлакатлари ҳаётига оид фотолар қўйилган бўлиб, анчагина қисмини Ўзбекистон мавзуи эгаллаган.

Хонадон соҳибининг мамлакатимизга меҳри бошқача эканлиги шундоқ кўзга ташланиб турибди: Тошкентнинг 1966 йилдаги кўчалари, боғу хиёбонлари, гав-жум бозорлари манзараси... Мана бу лавҳалар эса муштақил Ўзбекистон Президентининг бу мамлакатга қилган илк сафари тарсилотларидан иборат.

— Озод Ўзбекистон раҳбари Исмоил Каримов жанобларининг юртимизга ташрифи буюриши бизда катта воқеа бўлди. Чунки, у жаноби олийларининг муштақил давлат бошлари сифатида чет элга қилган сафари бизнинг мамлакат — Покистондан бошланган эди-да! Мен ўша кунлари Президентингиз билан учрашиб, тарихий сафар ҳақидаги фотоларни тақ-

дим этганлигимдан беҳад хурсандман, — дейди Ҳасан Розий соҳиб.

Жаноб Розий Ўзбекистонимиз ҳаёти билан боғлиқ суратлардан тақдим этди. Мен ўз навбатида урду тилида босилиб чиққан китобимни совға қилдим.

Шундан кейин меҳмон ойнаванд тоқчадан катта бир альбомни олиб, илтимос оҳангида деди:

— Эсдалик учун яна бир дастхат ёзиб қўйсангиз...

Бир парча қоғоз юзидан аввал Равил Альбеков, унинг остида камина томонидан ёзилган дастхатга кўзим тушди-ю, ғалати бўлиб кетдим. Бундан ўттиз беш йилча муқаддам шовиброқ, чучалгина қилиб битилган жумлалар остига: «Бутун дўст тутишиб, эртаси бир-бирини унутмаганлар кўп. Сизга ҳавасим келади» деган сўзларни ёздим.

Ўз навбатида мен ҳам касбимнинг фидойиси бўлган бу аждоғим одамни ўзбек ҳамкасбларига йўллаган дастхатини ёздириб олдим.

■ Дадахон НУРИЙ

Суратда: Президентининг Покистонга тарихий сафари ҳақидаги фотолар билан кўриниш.

ХДП ХАБАРИ

АЗИЗ АСРИМИЗНИНГ АЗИЗ ОНЛАРИ



Ёшларнинг фаол эмаслигидан кўрқиб қиради. Ёшлик ҳурлик. Ёшлик умид. Қудрат. Жасорат. Орзу. Садоқат. Унинг вужудида уйғоқ овоз мужассам.

Тошкент ирригация ва киш-лоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтига бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам айнан ёшларга бағишланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Мирзо Улугбек туман кенгаши томонидан ташкил этилган бу йилги самимий суҳбатга айлиниб кетди.

— Партиямиз ҳузурида «Истиқбол» ёшлар клуби тузилди. Биз ушбу клубга энг илгор йигит-қизларини жалб этмоқчимиз. Юз бераётган инқилобий ўзгаришларни, улкан ислохотларни асосан ёшларимиз амалга оширадilar, — деди Марказий Кенгаш котиби Аслиддин Рустамов. Давра суҳбатида

институтнинг «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси мудири Ж. Юнусова, доцент Асад Абдуллаев, доцент Муаттар Азларова, профессор Жуманиёз Раматов, ёшлардан Д. Аҳмедов, Х. Ражабов, магистр Ш. Тожиева ва талабалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Мунозара, савол ва жавоблардан барчамиз қониқиб ҳосил қилдик.

Азиз асримизнинг азиз онлари, Азиз одамлардан сўрайди қадрин.

Фурсат қанаматдир, шох сатрлар-ла, Безамоқ чоғидир умр дафтариш.

Ийгинга келганлар азиз онлари учун афсусланмадилар чамамда. Ҳарқалай, шох сатрлар-ла бўлмаса-да, қалб, виждон сатрлари билан умр дафтаришимизга «Самимий суҳбат» дея ёзиб қўйдик.

Суратда: учрашувдан лавҳалар.

■ Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Республика фуқаро авиациясини ривожлантириш давлат концепциясини амалга ошираётган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси яна бир муҳим қадамни қўйди. Ўзбекистон ҳукумати, молия институтлари — Германиянинг «КФВ» банки, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ёрдамида «Тошкент халқаро аэропортининг ер усти хизмат кўрсатиш тизимини таъминлашга инвестиция лойиҳаси тасдиқланди.

Маълумки, охириги йилларда миллий авиакомпания «А-310», «Боинг-767» ва 757, «RJ-85», «Ил-114» каби замонавий самолётлар билан ўз паркни янгилади. Пойтахт аэропортида учуш-қуниш йўқалари, ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимлари такомиллаштирилди. Тошкент аэропорти орқали хорижий авиакомпаниялар самолётларининг транзит парвозлари ҳамми ўсди. Буларнинг ҳаммаси ер усти технологик жиҳозларини тезроқ янгилаш ва модернизациялашни тақозо этди. «Франкфурт-Майн аэропор-

ти» АЖ билан Ғарб ишлаб чиқаришига мансуб 122 та жиҳозни етказиб бериш хусусида шартнома имзоланди. Мазкур лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг бош ҳаво дарвозасига жаҳон андозаларига жавоб берувчи техника етказиб берилди. Янги техник жиҳозларнинг тақдимот маросими Тошкент аэропортида бўлиб ўтди. Талбирда қатнашган Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Мартин Хеккер мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига юксак баҳо

берди. Дарвоқе, шу кунларда «Люфтганзе техник» вакиллари миллий авиакомпания билан ҳамкорликда самолётларга техник хизмат кўрсатувчи қўшма корхонани тузиш режаси устида ишламоқдалар. Агар ушбу лойиҳа рўйга чиқса, наинки валюта тежаш, балки уни ишлаш имконияти ҳам туғилади. Кўриниб турибдики, ўзбек ҳаво флоты мутахассислари наинки самодда, балки ерда ҳам жаҳоннинг етакчи авиакомпаниялари билан рақобат қилаоладилар.

■ Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Келажакнинг нурли манзиллари бўлган замонавий касб-хунар коллежлари республикамизнинг барча туманларида бунёд этилмоқда.

Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманида 600 ўринга мўлжалланган киш-лоқ хўжалик йўналишидаги коллеж қурилиши тугаланиш арафасида.

— Бугунги кунгача 432 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Барча ишлар 10 декабрда тугаланади, — дейди «Бинокор» хиссадорлик жамияти раиси Саидахмад Раззоқов.

Суратда: ишчилардан Карим Узоқов, Шакар Бобоев ва жамият раиси Саидахмад Раззоқовлар.

■ Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат



ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Ҳиндистон ҳарбий денгиз қучлари атом сувоисти кемасини бунёд қилишга ҳозирлик кўраётганини маълум қилди. Биз бу борада миллий дастур ишлаб чиқаялмиз, деди мамлакат ҳарбий идораси раҳбарларидан бири Сушил Кумар. Унинг айтишича, ҳозир бундай кемага фақат Россия, АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Хитой эга.




ЕВРОНИНГ КҲИМАТИ ПАСАЙДИ

Евронинг АҚШ долларига нисбатан қиймати яна пасайди. Европа Марказий банки бир евро 0,8543 долларга тенг бўлганини қайд этди. Бу кўрсаткич ўтган куни 0,8559 ни ташкил қилган эди. Мутахассислар евронинг долларга нисбатан бу галги пасайиши АҚШда ўтказилган президент сайлови билан боғлиқ эканини таъкидлаётди.



МИСР: ЧЎЛ МАНЗАРАЛАРИ

Буюк Британияда ҳайдовчиларга қўлайли яратиш мақсадида Интернетда махсус саҳифа очилди. Унга мамлакатдаги барча ёнилғи қуйиш шохобчалари ҳақида, хусусан, манзили, сотилётган бензиннинг нархи ҳақида маълумот киритилган. Энди ҳайдовчилар қаред арзон бензин сотилишини аниқлаш имкониятига эга бўлди. Мамлакат ҳайдовчилар уюшмаси вакилининг айтишича, бу маблағ тежашга катта ёрдам беради.



ЕТТИ ЙИЛДА БИТДИ

Жанубий Кореяда мамлакатдаги энг катта кўприк қурилиши якунланди. Ушбу иншоотнинг узунлиги 7,320, эни 31,4 метрга тенг. Унинг қурилишига етти йил кетди, 600 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланди. Узунлиги жиҳатидан у дунёда тўққизинчи ўринда туради.

Унинг болалиги Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларига тўғри келди. Гарчи уруш узоқда бўлса-да, унинг совуқ нафаси қалбларни титроққа солар эди. 1946 йилда мактабга оёқ яланг борган бола вақти келиб илму фаннинг баянд чўққиларига кутарилиди.

Талъат Соатов номи кутил-

ЎЗБЕК олимини КУТМАГАН ЭДИСЛАР



маганда қақнаган чақин сингари кимё фани оламида пайдо бўлди. Фақат унинг чақмақдан фарқи шундаки, у ялт этиб ёниб, бир зумда сўниб қолгани йўқ. Ҳамон унинг тадқиқотлари, ишларига ҳайрат билан қараша-

долзарб муаммо — қалқонсимон без гармонлари биокими-ёси билан шуғулланди. 1950-60-йилларда республика аҳолиси буюқ касаллигидан азият чека бошлади. Шундай бир оғир даврда одамлар дардига малҳам бўладиган тадқиқот устида қуларни тунларга улаб меҳнат қилди. Ма-шаққатли изланишлар натижа бериб, ушбу дардининг давоси топилди.

Академик Ерқин Тўрақуловнинг биокимё мақтабидининг илк қалдирғочларидан бири Талъат Соатовнинг илмий изланишлари билан бугун жа-сиқ кизикмоқда. Унинг столи устида дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан келган таширф қозғалари турибди. Ўзбек олими кимё фани буйича ўткази-

лаётган нуфузли анжуманларга таклиф этилмоқда. 1996 йилда Германия, Япония ҳамда Хитойда, 1992 йилда Туркияда бўлиб ўтган конгрессларда иштирок этиб, маъруза қилган Талъат Соатовни лепосма йўналиши буйича олиб бораётган ишлари билан дунё олимлари қизиқишди. Бу муҳим тадқиқотни татбиқ этиш ҳақида баҳс ва мунозаралар бўлди. Олим инсулиннинг таъсир этиш механизмининг ўрганиш ва қангли диабет касаллиги келиб чиқишининг молекуляр асосларини ўрганиш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Улар томонидан ҳужайра мембраналари ганглиозидларининг глюкоза молекуласи транспортининг муҳим ўрни аниқланди. Ганглиозидлар

ХАЙРАТ

микдорининг камайиши ва қондаги қанд миқдорининг ошишидаги ўзаро мутаносиб-ли мавжудлиги исботланди. Диабет шариоитда организмни инсулинга сезгирлиги камайиши ва қанднинг ҳужайра ичига ташилмаслиги сабабларидан бири — ганглиозидлар миқдорининг камайиши ва уларни гидролизловчи ферментлар фаолигининг ошишида эканлиги аниқланди. Ушбу тадқиқотлар натижасида липослар ёрдамида ҳужайра мембраналари липидлари таркибини тиклашнинг янги усули ишлаб чиқилдики, бу қангли диабет касаллигидаги метаболик ўзгаришларни тиклашда янги ёндашувдир.

Талъат Соатов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биокимё институти директори лавозимда салкам чорак асрдан буйи фаолият кўрсатиб келмоқда. У 285 дан ортиқ илмий ишлар муаллифидир. Олимнинг туркум ишлари Беруний номидаги республика давлат мукофотига сазовор бўлган. Унинг раҳбарлигида 6 та докторлик, 20 дан зиёд номзодлик диссертациялари тайёрланган.

— 1996 йилда Германияда бўлиб ўтган конференцияда иштирок этдим. Шунда Ғарвард тиббиёт институти профессори Торчилин: «Сенинг келишингни кутмаган эдим», — деди. Тўғриси, озо-длик берган улкан имконият туғайли жаҳоннинг юксак минбарларидан маъруза ўқидим. Назаримда, зиёлилар қадрини янада ошириш юза-сидан кўп иш қилишимиз керак. Мактабларимизда билим олиш даражаси юқори бўлишига эришмоғимиз зарур. Ушандагина дунёни ҳайратлантирадиган улғу алломалар етишиб чиқади. Тижорат йўлида берилаётган кредитлар илм толиблари учун ил-мий йўналишларда ҳам бери-лса мақсадга мувофиқ бўларди. Илм наҳот эканли-гини бутун жамият, миллат ҳис этсагина тараққиёт юк-салади.

Ҳа, озошликнинг қадрни буюк. Ҳали жаҳон жамоатчи-лиги Ўзбек олимларининг кўпгина ишларидан ҳайратланишида. Қашфиётлар қу-тилган жойда эмас, кутилма-ган жойда юз беради.

■ Юнус ЗИЁДОВ, Фаррух ҲАМРОЕВ

11 NOYABR

Dushanba 13

Телетомошбинлар диктантика Профилактика муносабати билан душанба 13 ноябрь
15.00 «Олтин тож». Телевизион ўйини.
15.20 ТВ-метео.
15.30 «Соғлом авлод - бу бизнинг келажигимиз».

12.35 Марсель Маринье, Ги Абекасис. «Каллоблар». Аббор Хидоят номидаги Узбек Давлат драма театрининг спектакли.
13.45 «Олтин тож». Телевизион ўйини.
13.50 «Ракурс». Бурхониддин Маргинийнинг.
14.05 «Талабалик дарвеш менинг».

22.15 ТТВда сериал: «Машхур ва бадавлат одамлар».
23.25 Оҳанглр ва эълонлар.
23.30 Кинонигоҳ, «Чангалзордаги одам».
1.20-1.25 «Хайрли тун, шахрим!».

Chorshanba 15

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет
8.40 «Ўзбектелефилм» намойиши: «Тошкент таровати», «Умид юлдузлари».

13.20 «Истеъдод-2000». Хаваскорлар телевизион танлови.
13.40 «Мерлин». Телесериал. 4-қисм.
14.25 «Ашур».
14.40 «Абу Мансур Мотуридий». 2-қисм.
15.00 «Олтин мерос».

18.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.05 «Қора хона». Сериал.
18.35 «Мени куттиб».
19.20 «Жаддалаштирилган ёрдам-2». Сериал.
19.55 «Тула хафсизлик». Сериал.

20.15 «Хайрли тун, кичкинтойлар».
21.00 «Время».
21.05 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).
21.10 «Омад» тележурнали.
21.30 «Хусурийлаштириш: қадим-бақадим».

23.30 «Ахборот».
23.35 «Ахборот».
23.40 «Ахборот».
23.45 «Ахборот».
23.50 «Ахборот».

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Янгрисин шўх яллари». Концерт.
9.05 «Зийнат».
9.20, 12.00 ТВ-метео.

Shanba 18

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Янгрисин шўх яллари». Концерт.
9.05 «Зийнат».

12.00 «Ахборот».
12.05 «Ахборот».
12.10 «Ахборот».
12.15 «Ахборот».

19.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
19.05 «Қора хона». Сериал.
19.35 «Мени куттиб».

Seshanba 14

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет
8.40 «Ўзбектелефилм» намойиши: «Арсоний шаҳарда», «Тошлар тилга кирганда».

11.55 «Ешлар» телеканалда спорт: Футбол. Хафтанинг энг яхши ўйини.
13.25 «Остонадаги орзулар».
13.45 «Каллоблар». Аббор Хидоят номидаги Узбек Давлат драма театрининг спектакли.

16.30 «Вести».
16.55 «Бобил минораси». Сериал.
18.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.05 «Тула хафсизлик». Сериал.

Payshanba 16

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет
8.40 «Ўзбектелефилм» намойиши: «Зангиота», «Сато».

14.50 «Спорт-кўтаси».
15.20 «Siti-NO».
15.45 «Аёл таровати». Бадий фильм. 2-қисм.
17.05 «Ешлар ва маънавият». Бурхониддин Маргинийнинг.
17.30 «Ўзбекистон студияси: «Қўшиқ биға хамроқ», «Мультимоша».

18.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.05 «Қора хона». Сериал.
18.35 «Мени куттиб».

20.15 «Озма-оз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман, Ўзбекистоним». Публицистик кўрсатуви.
21.40 «Қўшиқ-ла ҳаёт гузал». Муслиқ дустури.

23.30 «Ахборот».
23.35 «Ахборот».
23.40 «Ахборот».

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет
8.40 «Ўзбектелефилм» намойиши: «Арсоний шаҳарда», «Тошлар тилга кирганда».

Yakshanba 19

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Янгрисин шўх яллари». Концерт.
9.05 «Зийнат».

12.00 «Ахборот».
12.05 «Ахборот».
12.10 «Ахборот».

19.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
19.05 «Қора хона». Сериал.
19.35 «Мени куттиб».

Ут, сафро (буёракдаги) ошқозон-ичак оғриқларига самарали дори АСПАЛЬГИН
Бу дори кучли оғриқни босади
ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ

КУНГИЛ МАВЖЛАРИ

ВАТАН, ДЕ ЛОЧИНИМ

Юракдан айтаринг шу бўлсин, Кўксингда тепаринг шу бўлсин, Сўнги йўл айтаринг шу бўлсин, Ватан, де лочиним, Ватан, де.

Аждодлар пок қони шундадир, Темулар виждони шундадир, Ўзбеклар султони шундадир, Ватан, де шунқорим, Ватан, де.

Ўзга юрт йўлида хор бўлма, Ватанинг гардига зор бўлма. Шаънингни буйинингга дор қилма, Ватан, де фарзандим, Ватан, де.

Ватанинг бор деса бордаини, Тупроғини гўё бил зардаини, Дилинг шод, хуш этсин болдаини, Ватан, де дилбандим, Ватан, де.

Босмасин, кўнглингни гусса, кам, Юрт учун бел боғла, ҳар бир дам, Халқингга доимо бўл ҳамдам, Ватан, де ўғлоним, Ватан, де.

Гулсалат ҲУСАНОВА, Фарғона

ХУРЛИК

Бугун озодликнинг кенгайлашида, Барқ уриб гуллайди менинг Ватаним. Зулмли кунларнинг доғин унутиб, Яйрайди кўксимда юрак тамим. Бугун атроф обод, аъжудим обод, Юртим, бугун сен хур, озод қушсан. Занжирбанд қафаслар чиларчин синган, Ватан, сен кўнглимга бир ноёб хушсан.

Шахло УМАРОВА, Пайариқ тумани



ТОҒ ҚҮЙНИДА

Нафис ҳид таралар, Чоғдир димоғлар, Гўзаллик қўйнида ўйнар капалак. Мафтун бўлиб боқар қанча нигоҳлар, Мовий осмон бағридан боқар камалак.

Тоғларга шеър айтсам, қайтади садо, Эпихиб, ҳапқириб куч олар юрак. Шеър ишқиди

ёнмоғимми шарт, Мовий осмон бағридан боқар камалак.

Камолитдин ИЛҲОМ, 8-синф ўқувчиси

ЎЗБЕК ПОЛВОНИМ

Алпомиш девларни қон қақшатганда, Узоқдан маррага қўйганида от. Узукнинг кўзидан ўқ ўтганида Ёлар тиз чўқшиди, жимгина, ҳайҳот! Белдан ол, чили сол, ўзбек полвоним, Минг йиллик обрўмсан, шавкатим-шоним.

Фахр ила томоша қилганда Тему, Бу ҳалол курашга тилаган камол. Шукр қилганди жаҳонгир мағрур, Мардона кураши ўзбекнинг ҳалол. Белдан ол, чили сол, ўзбек полвоним, Дунё ҳайратлансин, Ўзбекистоним!

Собир ХОЛБЕКОВ

МАРРА ОЛДИДА

Мамлакат футбол миллий чемпионати якунланмоқда. Шу кунларда жамоалар ўртасида кечиктирилган учрашувлар ўтказилмоқда. Хусусан, бўлиб ўтган икки ўйинда меҳмонлар устун келиши. Хоразмга «Дўстлик» футболчилари 1:4 ҳисобида ғалаба қозонишган бўлса, «Нефтчи» «Самарқанд» майдонида дарвозага битта тўп киритиши билан мавқеини янада ўнглади. Ҳозир «Дўстлик» 82 очко билан биринчи бўлиб турибди. Очколарни 81 тага етказган фарғоналиклар эса иккинчи ўринга кўтарилди. «Насаф» 79 та очко билан сўнгги икки учрашувга умид боқамоқда. Бу ўйинларга қаршиликлар «Сўғдиёна» ва «Гулистон» жамоаларини қабул қилишди. «Нефтчи» жамоасини ҳам чемпионликка асосий даъвогар, дейиш мумкин. Боси, улар охириги учрашувларни ўз майдонларига «Пахтакор» ва «Семур» футболчилари билан ўтказадилар. «Дўстлик» жамоасининг яна чемпион бўлиши учун сафарга «Бухоро» ҳамда «Қизилқум» ўйинчиларидан устун келиши зарур бўлади. Эртага эса «Турон» — «Дўстлик», «Зарафшон» — «Нефтчи» жамоалари ўртасида кечиктирилган ўйинлар ўтказилади.

СПОРТ ПРОФЕССИОНАЛ

БОКСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Республика профессионал бокс федерациясининг ҳисобот йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда Республика спорт кўмитаси раиси Баҳодир Маҳситов бошқариб, профессионал бокс имкониятлари, унга қизиқиш, яратилган шароитлар ҳақида сўзлади. Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Профессионал бокс федерацияси президенти этиб «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Бош директори Арслон Рўзметов сайланди. Ҳайайимизки, профессионал боксчилар сафига Артур Григорьянлар янада кўпаяди.

БОШ МУҲАРРИР

Азим СУЙОН

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ

Қозоқбой ИУЛДОШЕВ

Ислом ШОҒУЛОМОВ

Норбоб ШАКАРОВ

(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)

Алимқул СУЛТОНОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Андрей ОРЛОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

«Голос Ўзбекистана»

Бахтиёр ҲАМИДОВ

(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

Валерий ЛАБАРЕШНИХ

(масъул котиб — «Голос Ўзбекистана»)

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сийosat ва ҳуқуқ — 133-44-55

Иқтисодийёт — 133-76-04

Маънавият — 133-07-20

Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16

Ахборот — 133-12-56

Котибият — 133-21-43

Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80

Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;

Бухорода — 23-51-40;

Гулистонда — 25-16-22;

Жиззахда — 3-29-44;

Навоийда — 3-39-20;

Наманганда — 6-43-43;

Нукусда — 222-70-12;

Самарқандда — 35-20-54;

Тошкентда — 136-53-16;

Урганчда — 226-51-35;

Фарғонада — 26-46-84;

Қаршида — 4-61-35;

Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи

Алишер РЎЗИЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифланди. Саҳифаловчи-дастури Икром ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўзатлан Утқи тартиби № 00004

Газета офсет усулида, А—2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 702

Топшириш вақти -- 21.00. Топширилади --

1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРҲДА

ДЎРМОН ХАНГОМАЛАРИ

КЕЙИНГИ ОШ

Гафур Гулом табиятан кувноқ, ҳазилкаш, уфатчиликни яхши кўрган шоир эди. Бир кун чойхонада Гафур ака соқийга «Дадилоқ куймайсанми?» — дея танбех беради. Кайфи ошиб қолган шоирга жабр бўлишидан хавотирланиб бояқлиш соқий ийманибгина эътироз билдиради:

— Гафур ака, энди... ошдан кейин яхши кетмайди-да. — Шундайми? Ундай бўлса тур ўрнидан кейинги ошга олов ёқвор!..

Э-ҲА

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси қабулхонасида Нафиса опа деган соддагина, андаккина паришонхотир, камтар-камсуқум бир аёл ишларди. Бир кун шаҳардан кимдир телефон қилиб тахририят ходимларини раҳматли ёзувчи Мирзакалон Исмоилийнинг маракасига таклиф этади. Опаси тушмагур бир

муддат бошқа ишларга андармон бўлиб, омонат гапни унутади. Кейинроқ, бош муҳаррир ўринбосари Иброҳим Гофуровни кўриб қолгач:

— Маъракага борар экансизлар, телефон қилишди, — дейди. — Ким телефон қилди? — Мирзакалон Исмоилий.

— А? Нима дедингиз? Э-ҳа. — Буни қаранг-а? У ёқда ҳам телефон бор экан-да!..

КИМ ЖАВОБГАР?

Андижонлик ёзувчи Қамчибек Кенжа, журналист А. Бойқўзиёв учовлон шифохонада даволанаётган шоирлар — Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуфни йўқлаб бордик.

Шоирлар бизни хушнуд қаршилашди. Абдулла ака «Уюшмани шу ерга кўчириб кўя қолдик» дея ҳазиллашди. Ҳол-ахволлашиб, ҳазил-хузул билан гурунгимиз анча қизиб кетди. Шунда Абдулла ака нашриётларнинг кўлайиб кетганлиги, аммо китобларнинг савияси ночорлиги ҳақида куйиниб гапирди.

— Улар бемалол «Китобнинг савияси учун нашриёт жавобгар эмас», деган сўзларни чиқараётган китобларига қалқон қилиб ёзиб қўяётганлари қизиқ, — дедим суҳбатта кўшилиб.

— Уларга қолса «Китоб савияси учун муаллиф жавобгар эмас», деб ёзишдан ҳам тоймайдилар, — деди Абдулла ака.

Ҳади битмаган жароҳатини авайлаб, суҳбатта жимгина қулоқ солиб ўтирган Муҳаммад Юсуф:

— «Китоб савияси учун китобхон жавобгар», дейилса зўр бўларкан, — деди.

Ҳаммамиз кулиб юбордик.

МУРУВВАТ

Ифтироқда шоир Сайёр ака шундай деб қолди:

— Айрим газеталарнинг қалам ҳақи анча баракали экан. Уч-тўртта шеър ёки битта мақоланинг пулига бемалол икки-уч кило қўш олса бўлади.

— Ҳа, гўшт... яхши мезон, — луқма ташлади «Муштум» журналы бош муҳаррири Ашуралӣ Жўраев.

— Бизнинг кўп қаватли уйимизда бош муҳаррирлар кўп, улар қўлаб турса, гўшт қаҳат бўлмайди, —

деди ёзувчи Муҳаммад Салом.

— Хўш, бош муҳаррирлардан қай бирининг муруввати баландроқ Сайёр ака? — дея кимдир сўраб қолди.

— Мурувват бобида «Хабар» газетаси бош муҳарририга тенглашадигани йўқ, — деди Сайёр ака мақтов учун узр дегандек мен томонга жилмайиб қараб қўйгач.

— Шодмонбек укагинан эринмай мақолани ўзи олиб кетади. Тезда чоп эттиргач, уйимга газетдан уч-тўрт нусха ташлаб ҳам қўяди. Бу ҳам етмагандек қалам ҳақи солинган конвертни қўлимга тутқазади. Қани айтингчи, шундай бош муҳаррири «қизил китобга ёзса арзимайдими?»

— Шодмонбек аканинг фақат битта камчилиги бор экан, — деди Ашуралӣ кулимсираб.

— Хўш, хўш? — Бош муҳаррир сифатида шунчалик мурувватли экан нега энди ўша қалам ҳақида биратўла Олоӣ бозоридан гўшт харид қилиб кела қолмайди?

Қўшилилар орасида «гурр» кулиги кўтарилди.

■ Шодмон ОТАБЕК

Advertisement for 'SURHAN ADJANTA FARMA LIMITED' featuring a woman's portrait and a list of pharmaceutical products like 'Апциллин-500', 'Апциллин-250', etc.

Advertisement for 'ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!' with details about real estate and business opportunities in Tashkent.

Subscription forms for 'Ўзбекистон овози' newspaper, including contact information and subscription rates.

Advertisement for 'КИМ? КАЧОН?' featuring a list of names and dates, possibly related to a competition or event.

Advertisement for 'ОГРИК' (OGRIC) featuring a tractor and agricultural equipment, with contact details for the company.